



# СЕРВИС

№1

*ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ*

2020



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2020 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

<p><b>Таҳририят ижодий жамоаси:</b> <b>Бош муҳаррир:</b> и.ф.д. <b>М.Э.Пўлатов</b></p> <p><b>Бош муҳаррир ўринбосари:</b> доцент <b>Д.Х.Асланова</b></p> <p><b>Масъул котиб:</b> профессор <b>М.Қ.Пардаев</b></p> <p><b>Муҳаррир:</b> <b>Ф.А.Сафаров,</b> <b>Техник муҳаррир:</b> <b>С.Хусенов,</b> <b>Корректор ва саҳифаловчи:</b> <b>Ҳ.Н.Очилова</b></p> <p>1 йилда 4 мартаба чоп этилади.</p> <p><b>Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.</b></p> <p><b>Таҳририят манзили:</b> 140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси, 9-уй, тел.: +998(66)233-28-38, +998(66)233-17-88 факс: +998(366)231-12-53 эл.почта: samisiservis@inbox.uz</p>	<p><b>Таҳририят кенгаши раиси:</b> <b>М.Э.Пўлатов</b> – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисод фанлари доктори <b>Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:</b> <b>Д.Х.Асланова</b> – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, доцент</p> <p><b>Таҳрир кенгаши аъзолари:</b> <b>Б.А.Бегалов</b> – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор <b>М.Қ.Пардаев</b> – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори <b>Б.К.Ғоибназаров</b> – ЎзР Давлат Статистика кўмитаси Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази директори, иқтисод фанлари доктори, профессор. <b>Д.Р.Зайналов</b> – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори <b>О.М.Муртазаев</b> – Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети Самарқанд филиали директори, иқтисод фанлари доктори, профессор <b>М.Р.Болтабаев</b> – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори <b>Р.Х.Эргашев</b> – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори, иқтисод фанлари доктори <b>И.С.Тўхлиев</b> – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори <b>М.М.Мухаммедов</b> – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори <b>К.Б.Уразов</b> – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори <b>Қ.Ж.Мирзаев</b> – СамИСИ ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор <b>Б.И.Исроилов</b> – ЎзР Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор. <b>Б.Абдукаримов</b> – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари номзоди <b>Б.У.Нуруллаев</b> – Самарқанд вилояти ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари</p>
---	---

<b>А.А.Аблокулов</b> Интернет-маркетинг технологиялари асосида маркетинг қарорларидан самарали фойдаланиш механизмлари	139
<b>Д.Р.Тухтасинова</b> Бошқарувни ахборот технология таъсирида ривожлантириш	144
<b>МОЛИЯ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ</b>	
<b>Дж.Р. Зайналов</b> Совершенствование информационного обеспечения органов казначейства Республики Узбекистан	148
<b>Б.Б.Ибрагимов</b> Сайёр солиқ текшируви ва уни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари	152
<b>З.О. Ахроров, Ш.О. Шермаматов</b> Солиқ муносабатларини тартибга солиш шароитида солиқ рискларини бошқариш йўллари	156
<b>Р.З.Мухаммадиев</b> Тиббий суғурта ва Ўзбекистонда уни ташкил этишнинг долзарб масалалари	161
<b>О.Д.Хамракулова</b> Инвестиции в социально-экономическом развитии экономики узбекистана	164
<b>Н.Х.Рузибаева, Н.Э.Эрназаров</b> Иқтисодийни модернизациялаш шароитида инвестицияларнинг ўрни	168
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>М.Қ.Пардаев, А.Н.Холикулов, Ҳ.А.Раҳимов</b> Меҳмонхона хўжалиги иқтисодий салоҳияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили	173
<b>З.Б.Эшпулатова</b> Даромадлар ҳисобининг концептуал асослари	177
<b>Т.И.Яҳёев</b> Туристик хизмат кўрсатувчи субъектларда сафар харажатлари таҳлили	181
<b>КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>С.Ш. Уразов</b> Ўзбекистонда нодавлат таълим хизматлари самарадорлигини оширишда хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш	185
<b>Ҳ.Н.Очилова, И.Р.Бердиқулова</b> Таълим соҳаси бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва улардан мамлакатда фойдаланиш имкониятлари	189
<b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>	
Вақтдан самарали фойдаланган тарихий шахслар. Энг кўп китоб нашр қилган мамлакатлар. TOP - 20 (IPA). Оила аъзоларига таъриф	194
<b>АТАМАЛАР ТАЪРИФЛАРИ</b>	
<b>М.Қ.Пардаев</b> “X” ҳарфи билан бошланадиган иқтисодийга оид атамалар ва категорияларнинг таърифлари	196



- Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2018 йил 31 декабрь, 52-сон, 987-модда.
12. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ Кодекси. Т.: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2019 йил 31 декабрь.
  13. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”, 1997 йил, 9-сон, 232-модда.
  14. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”, 1997 йил, 9-сон, 232-модда.
  15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2019 йил 30 декабрда 3207-сон билан рўйхатга олинган “Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчилар фаолиятида амалга оширилаётган солиқ назорати тадбирини видеотаъсирга олиш тартиби тўғрисидаги Низом”. Т.: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2019 йил 30 декабрь.
  16. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги «Далиллар мақбуллигига оид Жиноят-Процессуал Қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори. [www.norma.uz](http://www.norma.uz).

<b>Б.Ибрагимов</b>	<b>B.Ibragimov</b>
<b>Выездная налоговая проверка и особенности ее организации</b>	<b>Mobile tax audit and features of its organization</b>
<p><b>Аннотация:</b> В статье рассматриваются особенности организации и проведения выездных налоговых проверок, вновь введенных в налоговое законодательство Республики Узбекистан. На основе анализа автор вносит предложения по проведению и порядку организации налоговых проверок.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> налоговый контроль, налоговые проверки, выездная налоговая проверка, органы государственной налоговой службы, налогоплательщики, субъекты выездной налоговой проверки.</p>	<p><b>Abstract:</b> The article describes the features of the organization and conduct of mobile tax audits, first introduced in the tax legislation of the Republic of Uzbekistan. Based on the analysis, the author makes proposals on the subject and order of its organization.</p> <p><b>Keywords:</b> tax control, tax audits, mobile tax audit, state tax service bodies, taxpayers, subject of mobile tax audit.</p>

**З.О. Ахроров** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти,

**Ш.О. Шермаатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси

### СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ШАРОИТИДА СОЛИҚ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация.** мақолада солиқ муносабатларини тартибга солишда солиқ рискларининг моҳияти, уни бошқариш йўллари, шунингдек, солиқ рисклари хусусиятлари ва функциялари, шунингдек давлат солиқ rischi ва солиқ тўловчилар солиқ rischi ўртасидаги боғлиқлик кўриб чиқилган ва бу борада хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, солиқ тизими, солиқ rischi, ноаниқлик, функция.

**Кириш.** Солиқ муносабатларини тартибга солиш шароитида олдинга қўйилган мақсад ва вазифалар йўлида юзага келаётган тўсиқлар давлатнинг солиқ сиёсатини самарадорлигини оширишни ва бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими қаттиқ, аммо қатъий танқидга учрайди[1]. Бугунги кунда солиқ тизимини такомиллаштириш бюджетга молиявий ресурсларнинг тўлиқ тушишини таъминлайдиган камчиликларни бартараф этишга, солиқ ва йиғимлар таркибини соддалаштиришга қаратилган.

Давлатнинг солиқларни тартибга солишининг замонавий тизими солиқ соҳасида салбий ҳолатларнинг пайдо бўлишида қандай чоралар кўриш масаласини кўндаланг қилиб қўяди. Бундай юзага келаётган қўндаланган ҳодисалар хавфини олдини олиш учун

барча даражадаги бюджет ва солиқ тизимларини бошқариш вазифаларини қайта йўналтириш орқали солиқ идоралари амалий фаолиятини бошқариш воситаларини жорий этиш орқали амалга ошириш мумкин.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ҳозирги вақтда “риск” соҳасида бир қатор ишлар ёзилган бўлсада, бу тушунча доирасидаги фикрлар умумлаштирилмаган. Замонавий иқтисодий адабиётларда “риск” тушунчасига қуйидаги қарашлар мавжуд:

- риск ноаниқлик сифатида;
- риск фаолият сифатида;
- риск кутиладиган натижадан фарқланиши сифатида;
- риск хавф ёки йўқотишнинг юзага келиш эҳтимоли сифатида;
- риск нохуш ҳодисаларнинг эҳтимоли сифатида.

Иқтисодиётда риск тушунчаси ноаниқлик сифатида кенг талқин қилинади. Жумладан, таникли луғатшунос С.Н. Ожеговнинг рус тили луғатида “риск” бу “муваффақиятга интилиш, бахтли ҳодисадан умид” деган маънони англатади [2] дейилса, машҳур Вебстера луғатида рискка “хавф, зарар ёки талафот кўриш эҳтимоли” деб қаралган. Ф.Найт ўзининг асарида ноаниқликдан фарқли равишда рискни таҳлил қилиш ва бошқаришга боғланган баҳоланадиган объектни аниқлаш билан боғлайди [3].

“Риск” тушунчаси мазмуни риск майдонида вужудга келадиган жавобгарлик турини ёки объектини суғурталаш деб ҳам таъкидланди [4].

Солиқ рисклари тўғрисида кўпчилик тадқиқотлар солиқ тўловчиларнинг солиқ рисклари масалаларини кўриб чиқишга бағишланган. Бу шу билан изоҳланадики, риск ва ноаниқлик назарияси хўжалик субъектлари фаолияти билан боғланганлиги сабабли аввалдан тадбиркорлик rischi билан алоқадор ҳисобланади. Хўжалик субъектларида солиқ тўлаш кайфияти фойда олиш билан изоҳланади. Зеро, молиявий барқарор корхона солиқ бўйича қарздорликларини бартараф этиш, қолаверса ортиқча тўлов яратиб кўйишга ҳаракат қилади.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада илмий мушоҳада, абстракт-мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Солиқ рискларини бошқариш мақсадида, солиқ тўловчининг солиқ rischi – солиқ хатолари, солиқ қонунчилигини нотўғри талқин қилиш ва солиқ фаолиятининг бошқа ишлари натижасида ноаниқлик шароитида солиқ тўловчининг бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажариши пайтида юзага келадиган нохуш молиявий, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳолатларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли сифатида қараш лозим.

Давлат солиқ rischi ва солиқ тўловчи солиқ рисклари ўртасида тесқари характер мавжуд. Солиқ муносабатлари бўйича уларнинг мақсадлари ўзгачадир: давлат – солиқ тўловлари ҳажмини ошириш, солиқ тўловчилар эса – уларни камайтириш. Умуман олганда, солиқ янгиликлари давлат учун ижобий ва солиқ тўловчи учун салбий ҳолат бўлиши мумкин.

Солиқ рискларини таснифлаш хусусиятларидан келиб чиқиб ўзгачадир (чизма).


Хўжалик субъектлари солиқ рисклари қуйидаги хусусиятларига эгаллиги тадқиқ қилинди:

- 1) ноаниқлик – воқелик ривожини аниқ баҳолаш учун етарли маълумотларнинг етишмаслиги билан изоҳланади;
- 2) муқобиллик – воқелик ривожининг камида икки варианты мавжудлигида рискларнинг намон бўлиши;
- 3) эҳтимоллилик – воқелик бўлишининг математик ҳисоб-китобини олиб бориш имконияти;
- 4) йўқотиш мавжудлиги – кутилмаган вазиятларда riskли ҳолатларнинг ривожланишининг биттасини амалга ошириш;
- 5) бефарқлик – риск субъекти фаолиятига тўғри муносабатда бўлишида riskнинг

вужудга келиши, ҳаттоки у воқеликнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун жавобгарликни охирида олади

б) ўзгарувчанлик – алоҳида рискларни амалга ошириш таркиби ва эҳтимоли ҳар доим ҳам барқарор эмас ва у вақт ўтиши ички ва ташқи рискларнинг таъсири билан ўзгаради;

7) қарама-қаршилик – риск молиявий қарорларни бошқариш ва қабул қилишнинг янги воситаларини топишни тақозо этади ва таракқиётга эришиш учун туртки бўлади; бошқа томондан риск маълумотлар етарли ўрганилмаганда ижтимоий ва иқтисодий харажатларга олиб келадиган қарорларни қабул қилишда асосланмаган қарорларни қабул қилишга олиб келади.



**Чизма. Солиқ рискларини таснифлаш\***

\*Муаллифлар ишланмаси.

Солиқ rischi объекти – давлатнинг солиқ сиёсати йўналишларидан келиб чиқиб, хўжалик субъектлари томонидан амалга ошириладиган маълум бир солиқ рискларини

келтириб чиқариши мумкин бўлган муносабатлар ҳисобланади. Солиқ сиёсати мақсад ва вазибаларидан келиб чиқиб солиқ рисклари объектлари таркиби турличадир. Умумий риск объектлари қуйидагилар ҳисобланади:

- давлат бюджети ёки хўжалик субъектлари даромадлар қисми;
- хўжалик субъектлари солиқ юки;
- қонунчилик томонидан ўрнатилган солиқ ва йиғимлар бўйича имтиёзлар тизими.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати асосий мақсади бюджет даромадларини ошириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар фискал функцияни таъминлашдан иборат [5] [6]. Бу айниқса сўнгги йилларда солиқ ислохотларида кенг намоён бўлмоқда.

Солиқ rischi субъектлари бюджет-солиқ соҳасидаги молиявий сиёсатни амалга оширувчи ва ҳуқуқий тартибга солувчи субъектлар ҳисобланади.

Солиқ рискларининг моҳияти унинг функциялари орқали яққол кўринади. Юқорида хусусиятлардан келиб чиқиб, солиқ рискига қуйидаги функцияларни бериш мақсадга мувофиқ:

1) Рискнинг ҳимоя функцияси – субъектларнинг салбий ҳолатлар, қутилган натижаларнинг юзага келишида солиқ рискларига тайёрлигини таъминлашни назарда тутати. Бундан ташқари, ҳимоя функцияси ҳимоя воситаларини қўллашда субъектларни мотивлаштириш (қарорларнинг бошқа вариантларини шакллантириш, суғурталашни шакллантириш) ҳолатлари борлиги билан ҳам изоҳланади.

2) Рағбатлантирувчи функция – субъект қутилмаган воқеликни пайдо бўлиш эҳтимолини тушунган ҳолда рискларни бартараф этиш ёки камайтириш, шунингдек риск омилларига таъсир этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишни назарда тутати.

3) Инновацион функция – риск билан курашда фан ва амалиётнинг замонавий муваффақиятларидан келиб чиқиб, рискларни тартибга солишнинг янги ва долзарб йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади.

Айнан ўз чегараларига эга солиқ тўлови солиқ тўловчиларни кўпроқ рағбатлантиради, солиқларни даромад (фойда) келтирувчи иқтисодий воқелик сифатида эътироф этилиши учун замин яратади. Проф. Ж.Р. Зайналовнинг фикрига кўра, ҳар бир тўлов, ҳар бир харажат тури, ҳар бир жарима тўлаш (у салбий ҳолат бўлса ҳам), ҳар қандай ресурс оқими хўжалик субъектига даромад (фойда) келтириши ва уларнинг иқтисодий ўсишига молиявий потенциални янада ошишига замин яратиш лозим [7].

Бундай фикрни тан олиш билан бирга биз юқорида қайд этилган иқтисодий воқеликлар таркибига кўзланмаган харажатлардан ҳам даромад (фойда) олиниши мумкинлиги, унинг солиқ объектида кўрсатиб ўтилишини муҳим деб биламиз. Айнан бундай йўқотишлар солиқ тўлов потенциалининг чегарасини қисқартириши мумкин. Бундай ҳолатга йўл қўймаслик ҳар қандай риск натижасида йўқотишлар юз берганда, шу йўқотишларни “солиқ тўлови потенциали”ни аниқлашда эмас, балки “мумкин бўлган солиқ потенциали” деб фикр юритиш ҳам мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқорида келтирилган функцияларда солиқ тизимини бошқаришда самарали молиявий қарорлар қабул қилишни таъминлайди. Шунингдек, рискларни бартараф этиш ва камайтириш борасидаги қилинадиган ишлар қаторига таҳлилий қисмини олиб бориш зарур. Маълумотлар етарли бўлиши билан бир қаторда уни тўғри таҳлил қила олиш солиқларни тартибга солиш ва бошқаришда тўғри молиявий қарор қабул қилишни ўзида акс эттиради. Шунингдек, ўтган даврлардаги камчиликлар таҳлил қилиниб, рискларни бартараф этиш вариантлари ишлаб чиқишига эътибор қаратиш лозим.

Таҳлилий маълумотлардан келиб чиқиб, хўжалик субъектлари самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда назоратни таъминлаш муҳимдир. Назоратни амалга ошириш солиқ сиёсатини амалга оширишнинг ажралмас қисмидир.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги хулоса ва так-

лифлар ишлаб чиқилди:

- солиққа тортиш мақсадида, давлат солиқ rischi ва солиқ тўловчилар солиқ rischi ўртасидаги тафовутни фарқлаш;
- солиқ rischi хусусиятларидан келиб чиқиб, солиқ rischi функциялари сифатида химоя, рағбатлантирувчи ва инновацион функцияларини қабул қилиш;
- режалаштирилмаган харажатлардан даромад (фойда) олиниши мумкинлиги унинг солиқ объектида кўрсатиб ўтиш;
- қўймаслик ҳар қандай риск натижасида йўқотишлар юз берганда, шу йўқотишларни “солиқ тўлови потенциали”ни аниқлашда эмас, балки “мумкин бўлган солиқ потенциали” деб фикр юриштиш;
- солиқ рискларни бартараф этиш ва камайтириш борасидаги қилинадиган ишлар қаторига таҳлилий қисмини олиб бориш ва шу асосда хўжалик субъектлари самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда назоратни таъминлаш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр.
2. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. – М.: 2010. <http://ozhegov.textologia.ru/definit/risk/?q=742&n=201517>. Мурожаат санаси: 27.12.2019й.
3. Knight F.H. Risk, uncertainty and profit. Houghton Mifflin Company, 1921. – p. 66.
4. Зубайдуллаев Ф.Ф. и др. Методические аспекты оценки риска в условиях возникновения неблагоприятных событий. // Ижтимоий-иқтисодий ва молия тизимларини институционал ривожлантириш: глобал микёсда миллий иқтисодиёт. I-қисм/ 2019 йил 16-17 май кунлари. XI Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд, СамИСИ, 2019. – 383 б.
5. Ahrorov Z. O. Increase Budget Revenues of Various Levels by Economically Limiting Tax Paying Potential. //European Journal of Business and Management. Vol.11, No.10, 2019. – P. 94-99. DOI:10.7176/EJBM (Global Impact Factor 7.17)
6. Ahrorov Z. O., Zaynalov D. R. Modernization of the Tax Science: Methodology and New Paradigms. //International Journal of Multidisciplinary and Current Research (IJMCR). Vol.7 (May-June 2019). – P. 305-312. DOI: <https://doi.org/10.14741/ijmcr/v.7.3.11> (Global Impact Factor 5.126).
7. Зайналов Ж.Р. Необходимость обеспечения взаимной бюджетной и налоговой политики в условиях благоприятной государственной экономико-правовой атмосферы. /Глобальные проблемы модернизации национальной экономики. Материалы VI Международной научно-практической конференции (очно-заочной): в 2 частях. Тамбов, 26-28 апреля 2017г. - с. 214.

<p style="text-align: center;"><b>З.Ахроров, Ш.Шермаматов</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Пути управления налоговыми рисками в условиях регулирования налоговых отношений</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в статье рассматриваются сущность налоговых рисков, пути управления ими, особенности и функции налоговых рисков при регулировании налоговых отношений, а также связь между государственным налоговым риском и налоговым риском налогоплательщика. Разработаны выводы и предложения по данной теме.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> налог, налоговая система, налоговый риск, неопределенность, функция.</p>	<p style="text-align: center;"><b>Z.Ahrorov, Sh.Shermamatov</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Ways to manage tax risks in the context of the regulation of tax relations</b></p> <p><b>Abstract:</b> the article highlights the essence of tax risks, the ways of its management, the features and functions of tax risks in the regulation of tax relations, as well as relationship between the state tax risk and the taxpayer tax risk. Developed conclusions and suggestions on this topic.</p> <p><b>Keywords:</b> tax, tax system, tax risk, uncertainty, function.</p>
--	--